



**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI
SAMARQAND VILOYATI ADLIYA BOSHQARMASI
NARPAY TUMAN YURIDIK XIZMAT KO'RSATISH
MARKAZI**

141200. Narpay tumani, Nog'oraxona mahallasi "Kamalak" ko'chasi
el.pochta: narpayyurmarkaz@adliya.uz

2022-yil

Oqtosh shahri

Narpay tuman Tibbiyot birlashmasi va "**SHAVKATJON ZAMON NUR**" MChJ
o'rjasida tuzilgan "Autsorser tomonidan buyurtmachi mablag'lari hisobidan kuniga
uch mahal issiq ovqatlantirishni tashkil etish" bo'yicha

tuzgan

shartnoma loyihasi yuzasidan

HUQUQIY XULOSA: №

Mazkur shartnoma loyihasini O'zbekiston Respublikasi Fuqarolik Kodeksi,
"Xo'jalik yurituvchi subyektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi
to'g'risida"gi Qonuni va boshqa qonun hujjatlari asosida huquqiy ekspertizadan
o'tkazib:

- Shartnoma loyihasiniig amaldagi qonun hujjatlari talablariga javob
berishini va qonunga mos holda tuzilganligini;
- Tomonlarning shartnomada ko'rsatilgan mulkiy javobgarliklari va o'zaro
nizolarni hal qilish yo'llari O'zbekiston Respublikasining Fuqarolik Kodeksi
hamda «Xo'jalik yurituvchi subyektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi
to'g'risida»gi qonuni asosida belgilanganligini aniqladim.

Yuqoridaqilarga asoslangan holda shartnoma loyihasini qonun hujjatlari
asosida tuzilgan deb hisoblayman va tomonlarga uni imzolashni tavsiya etaman.

Bosh yuriskonsult



M.D.Mardiyev

Шартнома № 17

(Аутсорсинг усулида тиббиёт бирлашмаларида соглом овкатлантиришини ташкил этиши буйича)

Нарпай тумани

«10» Март 2022 йил

“SHAVKATJON ZAMON NUR” Ma’suliyati cheklangan jamiyati директори М.Ёрқурова (кейинги матнларда “Аутсорсер”) бир томондан, Устав асосида иш юритадиган Нарпай туман Тиббиёт Бирлашмаси бошлиги Ш.Б.Парманов, (кейинги ўринларда “Буюртмачи”) иккинчи томондан, ушбу шартномани Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 10.01.2020 йилдаги 16-сонли хамда 22.06.2020 йилдаги ПК-3800 карори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 27.09.2018 йилдаги ПК-3953-сонли карори, 07.12.2018 йил ПФ-5590 ва Соғликни саклаш вазирлигининг 13.12.2018 йилдаги 646-сон буйруги билан тасдикланган «Соғликни саклаш вазирлигининг чора-тадбирлари режасига асосан, тиббиёт муассасаларининг қўшимча ва ёрдамчи функцияларини хусусий секторига ўтказиш юзасидан 2022 йил учун тузилган чора-тадбирлар режаси» асосида мазкур шартномани туздилар.

I. Шартнома предмети.

1.1. Мазкур шартнома предмети булиб, Аутсорсер томонидан буюртмачи маблаглари хисобидан кунига З маҳал иссиқ овкатлантиришини ташкил этиш хисобланади.

Шартнома тузиш кунига беморларнинг рўйхатдаги сонидан келиб чиккан холда хамда санитар мёёрларига асосан тузилган таомномага асосан шартнома суммаси 232 769 250 (Икки юз утгиз икки миллион етти юз олмиш туккис минг икки юз эллик) сумни ташкил этади.

1.2. Аутсорсер томонидан буюртмачи билан келишилган холда қўшимча шартлар асосида тиббиёт бирлашмаси bemorлари учун иссиқ овкат ташкил этишга рухсат этилади.

Хизмат кўрсатиши муддати:

2022 йил “10”Мартдан.

2022 йил “31”Декабргача.

1.3. Томончар бажарилган ишларнинг йигма далолатномаси ва Аутсорсер томонидан амалда курсатилган Хизматлар учун белгиланган тартибда расмийлаштирилган хисоб-фактура имзоланиб Буюртмачи Аутсорсернинг мазкур Шартномаси курсатилган банк хисоб-ракамига пул маблаглари утказгандан сунг Хизматлар курсатилган деб хисобланади.

II. Томонларнинг хукук ва мажбуриятларини

2.1. Аутсорсер куйидаги хукукларга эга:

2.1.1. Ижарага олинган мол-мулқдан фойдаланиш;

2.1.2. Ижарага олинган бино ва иншоотларнинг ички ва ташки кисмida техник жихатдан жихозлаш ва таъмирлаш ишларини амалга ошириш;

2.1.3. Хизматлар таниархининг узгариши муносабати билан шартномага узgartiriш киритиш таклифи билан чикиш;

2.1.4. Курсатилган хизматлар учун учун вактида туловлар амалга оширилишини талаб килиш;

2.1.5. Курсатилган хизматлар натижасида фойда олиш;

2.1.6. Буюртмачидан шартнома шартларининг бажарилишини талаб килиш;

2.1.7. Конун хужжатларига мувофик бошка хукуклар.

2.2. Аутсорсер куйидагиларга мажбур:

2.2.1. Ижарага олинган бино ва иншоотлар, жих, озлардан максадли хамда окилона фойдаланишн, саклашн, носоз холга келганда уларни уз хисобидан таъмирлаши, шунингдек, коммунал харажатларини коплаши;

2.2.2. Аутсорсинг хизматини курсатишда техника, ёнгин, меҳнат муҳофазаси хдмда санитария коидалари, нормалари ва гигиена нормативларига катъий риоя этиш;

2.2.3. Товар (ишлар, хизматлар)нинг сифатли ишлаб чиқарилишини ва буюртмачига етказилишини таъминлаши;

2.2.4. Махфийлик тартибига катъий риоя килиш

2.2.5. Шартномани бекор килиш хакида буюртмачии икки ой олдии ёзма равища огохлантириш, ушбу муддат ту гагу ии га кадар эса буюртмачининг теги шли хизматларини узлуксиз ташкил этишни таъминлаши;

- 2.2.6. Хизматларни сифатли, мазкур Шартиомаиинг 1.3-баидида курсатилган муддатда ва тулик хажмда курсатиши;
- 2.2.7. Хизматлар курсатиш жараёнида Аутсорсер мазкур шартнома шартларига амал килмасдан, хизматлар сифатининг ёмонлашувига олиб келган барча камчиликларни Буюртмачининг талаби буйича бир кун давомида бепул тугрилаши;
- 2.2.8. Хизматларнинг сифатсизлиги, хизматларни бажариш учун вактинча фойдаланишга бериладиган ишлаб чикариш (хизмат курсатиш) хоиалири холати, шунингдек, тегишли инвентарларнинг санитария коидаларига жавоб бермаслиги аникланганда, Аутсорсер зудлик билан Буюртмачининг аникланган камчиликларни бартараф этиш буйича конуний талабини бажариши;
- 2.2.9. Мал акал и, тажрибали, куйилган вазифани (хизматни, ишни) амалга ошириш хукукини берувчи тегишли хужжатлари мавжуд булган, шунингдек, белгиланган тартибда ва муддатда тиббий текширувдан (кури к дан) утган ходимларга (талаб этилган холларда) хизматларни бажариш жараёнига рухсат этнши;
- 2.2.10. Ходимлар зиммасига Буюртмачининг худудида одоб-ахлок коидаларига, шунингдек, ички тартибга риоя килиш мажбуриятини юклashi;
- 2.2.11. Хизмат курсатиш буйича ишларни шахсан бажариши, мазкур Шартнома шартларини бажаришиний учинчи шахсга топширмаслиги;
- 2.2.12. Мазкур шартнома шартларини бажариш доирасида Буюртмачи томонидан вактинча фойдаланишга топширилган ускуналар, жихозлар, идишлар, асбоблар, мебеллар, инвентарлар ва бонцалар моддий воситаларни соз холда сакдаши, таъмирлаши, шунингдек, биноларни таъмирлаши;
- 2.2.13. Томоилар имзолайдигай тегишли кабул килиш-топширниш далолатномасини расмийлаштирган холда, Буюртмачидаи биноларни (хоналарни), ускуналарни, жидозларни, асбобларни, мебелларни, инвентарлар ва бонцалар моддий воситаларни кабул килиб олиши;
- 2.2.14. Мазкур шартномани бекор килиш хдкида Буюртмачини икки ой олдин ёзма равища огохдантириши, ушбу муддат тугагуиига кадар эса Буюртмачига хизматларни узлуксиз курсатилишини таъминлаши;
- 2.2.15. Мазкур шартномага асосан Хизматларни курсатиш ишларига жалб этилган ходимларни укитишини (малакасини оширишни) амалга ошириши (талаб этилган холларда);

2.2.16. Конун хужжатларига мувофик бошка мажбуриятлар.

- 2.3. Буюртмачи куйндаги хукукдарга эга:
- 2.3.1. Товарлар (ишлар, хизматлар) сифатли ишлаб чикарилиши (бажарилиши, курсатилиши)ни талаб килиши;
- 2.3.2. Аутсорсернинг фаолиятига аралашмаган холда, шартнома шартларининг бажарилишини назорат килиш;
- 2.3.3. Шартномани бекор килиш тугрисида 10 кун олдин Аутсорсерни ёзма равища огохдантириш, бунда курсатилган хизматларнинг кийматини белгиланган тартибда тулаш;
- 2.3.4. Конун хужжатларига мувофик бошка хукукдар.
- 2.4. Буюртмачи кунидагиларга мажбур:
- 2.4.1. Бажарилган ишларнинг йигма далолатномаси ва расмийлаштирилган ҳисоб-фактура асосида курсатилган хизматлар учун амалдаги нархлар буйича бир ойда камида бир марта Хизматлар ҳакини тулаши;
- 2.4.2. Аутсорсерга мазкур Шартнома шартларини бажариш доирасида биноларни (хоналарни), ускуналарни, жихозларни, асбобларни, мебелларни, инвентарлар ва бошка моддий воситаларни вактинча фойдаланишга бериши;
- 2.4.3. Конун хужжатларига мувофик бошка мажбуриятлар.

III Хизматлар нархн ва узаро ҳисоб-китоблар тартиби

- 3.1. Мазкур шартноманинг иловаснга мувофик хизматлар нархи (232 769 250) сумни ташкил этади.
- 3.2. Аутсорсер томонидан курсатилган хизматлар учун узаро ҳисоб-китоблар бажарилган ишларнинг йигма далолатномаси ва расмийлаштирилган ҳисоб-фактура асосида курсатилган хизматларнинг амалдаги киймати буйича бир ойда камида бир марта амалга оширилади.
- 3.3. Курсатиладигай хизматларнинг амалдаги сони хдкидаги маълумотлар ва хизматларнинг амалдаги нархи асосида Буюртмачи кундалик буюртмага мувофик; Аутсорсер билан биргаликда

хар ун кунда, туланиши лозим булган суммаси курсатилган, Аутсорсер ва Буюртмачи томонидан имзоланадиган бажарилган ишларнинг йигма далолатномаси тузилади ва хисоб-фактура расмийлаштиради.

3.4. Буюртмачи томонидан амалда курсатилган хизматлар нархи белгиланган тартибда расмийлаштирилган бажарилган ишлар далолатномаси ва хисоб-фактура олинган вактдан бошлаб, 10 банк кун и давомида Шартномада белгиланган суммадан ортик; булмага микдорда туланади .

3.5. Мазкур Шартноманинг иловасида курсатилган, шартноманинг прогноз суммасини хисоблаш учун хизматларнинг нархлари томонлардан бирининг ташаббуси билан кдита куриб чикдпади.

IV. Томонларнинг мажбуриятлари

4.1. Аутсорсер шартнома мажбуриятларини уз вактида бажармаган холларда, Буюртмачига муддати уtkазиб юборилга хар бир кун учун мажбуриятнинг бажарилмаган кисмининг 0,5 фоиз микдорида пеня тулайди, бунда пенянинг умумий суммаси курсатилмаган хизматлар ойлик нархининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

4.2. Пеня (жарима) тулаш Томонларнинг зиммасидаги мажбуриятларини бажаришдан ёки бузилишларни бартараф килишдан озод этмайди.

4.3. Мазкур Шартнома шартларининг бажарилмаслиги ёки тегишли даражада бажарилмаслиги учай Томонлар Узбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси талабларида, «Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тугрисида»ги Узбекистон Республикаси Крнуни хамда Узбекистон Республикасининг бошка норматив- хукукий хужжатларида назарда тутилган жавобгар буладилар.

4.4. Буюртмачига хар чоракда бир маротаба курсатилаётган хизматларнинг сифати, ижарага берилган бино ва иншоотларнинг холатии мониторинг угказиш га (аутсорсернинг молиявий фаолиятига аралашмаган холда) шароитлар яратиши.

4.5. Томонларнинг Мазкур Шартномада назарда тутилмаган жавобгарлик чоралари Узбекистон Республикаси ху дуи да амалда булган фукаролик конун чилиги нормалариға мувофик; кулланилади.

V. Мунозарали вазиятларнин хал этиш тартиби

5.1. Мазкур Шартномани бажаришда юзага келиши мумкин булган низолар ва келишмовчиликлар имкон кадар Томонлар уртасида музокара утказиш йули билан хал этилади.

5.2. Низолар ва келишмовчиликларни Томонлар уртасида музокара утказиш йули билан хал этиб булмайднган колатларда, Узбекистон Республикаси конунчилигида назарда тутилган келишмовчиликларни суддан олдин бартараф килиш тартиб-таомили амалга оширилгандан сунг улар Узбекистон Республикаси конунчилигида белгиланган тартибда судга куриб чикиш учун берилади.

VI. Форс-мажор колатлар

6.1. Томонлар мажбуриятлар кисман ёки тулик бажарилмаганлиги учун, агар бундай колатлар енгib булмас куч, яни табии оғатлар, табии ва техноген тусдаги фавкулодда колатлар ва алокида давр окибати кисбланса ва давлатнинг тегишли органлари томонидан тасдиқланса, жавобгарликдан озод килинали. Бунда мазкур шартнома буйича мажбуриятларни бажариш муддати мұтансиб рациональда ушбу ходисалар руй берган муддатга сурилади.

VII. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ТАЛАБЛАР

7.1. Ушбу шартноманинг хар бир тарафлари бир-бирига нисбатан амалдаги коррупцияга қарши кураш талаблари, шу жумладан, бу билан чекланиб қолмасдан, барча амалдаги конун ва қоидаларга оид шартларни ва талабларни тадбик этилишини ифодалайди ва кафолатлайди.

7.2.“Истеммолчи” “Етказиб берувчи”га мазкур шартнома доирасида қўйидагиларни кафолатлайди ва қўйидаги мажбуриятларни хам ўз зиммасига олади: Шартноманинг амал қилиш муддати давомида у (шунингдек, унинг ходимлари, директорлари, агентлари ва бошқа вакиллари), истеммолчи манфаатлари учун агент ёки вакил сифатида ҳаракат килиб, “Етказиб берувчи”нинг коррупция қарши амалдаги талабларига ва Ўзбекистон Республикасининг барча қоидаларига катъий риоя килади

VIII. Яқунловчи кондалар

8.1. Ушбу Шартномага кар кандай узгартериш ва күшимчалар фактат улар ёзма шаклда расмийлаштирилиб, Томонларнинг ваколатли вакиллари томонидан имзолангандан сунг какиий кисбланади. Мазкур Шартноманинг барча иловалари унинг ажралмас кисминн татткил этади.

8.2. Томонларнинг хеч бири мазкур Шартнома буйича уз хукук ва мажбуриятларини бопча Томоннинг ёзма шаклдаги розилигисиз бирор бир учинчи томонга бериб юбориши мумкин эмас.
8.3. Ушбу шартнома икки нусхада тузилган. Иккала нусха айнан бир хил булиб, бир хил юридик кучига эга. Томонларнинг хар бирида мазкур Шартноманинг бир нусхаси булади.

IX. Шартноманинг амал килиш муддатни

9.1. Мазкур шартнома *Нарпай* тумани буйича Фазначилик бўлинмасида рўйхатдан ўтгандан сўнг хакикий деб хисобланади ҳамда 2022 йил “31” декабргача амал килади.

X. Томонларнинг юридик манзили ва реквизитлари.

«Аутсорсер»

“SHAVKATJON ZAMON NUR” Ma’suliyati
cheklangan jamiyati

(мол етказиб берувчининг номи)

Манзил *Нарпай* туман Бўстон кўчаси

Тел./факс

Х/р: 20208000005164750001

СТИР 307041989

МФО: 00731


ОКОНХ:

Банк номи Халқ банки *Нарпай* филиали

Рахбар

Синур М.Ёрқурова

(имзо)



«Буюртмачи»

Нарпай туман Тиббиёт Бирлашмаси

(бюджетдан маблаг оловчининг номи)

Манзил *Нарпай* туман Мехнат-Роҳат 125 ўй
ш/х* 100022860182187073101054001.

бюджетдан маблаг оловчи СТИР 200752673
ОКОНХ 91511

Нарпай тумани буйича Фазначилик бўлинмаси
Фазна х/в 23402000300100001010

Банк номи: Марказий банк Тошкент шахар бош
бошкармаси XKKM

МФО 00014, Фазначилик бўлинмаси СТИР
201122919



Рахбар: *Ш.Б.Парманов*

(имзо)

М.У.

Хукуқшунос